



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ФУҚАРО
АВИАЦИЯСИДА АЭРОНАВИГАЦИЯ ХАРИТАЛАРИНИ
(ЧИЗМАЛАРИНИ) ТАЙЁРЛАШ ҚОИДАЛАРИ**

(ЎзР ФААХТҚ-173)

ТОШКЕНТ – 2009

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг
2009 йил “ 07 “ майдаги 49 -сон
буйруғи билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида аэронавигация хариталарини
(чизмаларини) таёрлаш қоидалари**

Мазкур Қоидалар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия этилган амалиёти («Аэронавигация хариталари»нинг 4-илоvasи ва DOC 8697 «Аэронавигация хариталари бўйича қўлланма»)га мувофиқ фуқаро авиациясида қўлланиладиган аэронавигация хариталари (чизмалари) таёрлаш тартибини белгилайди.

I. Қисқартмалар ва асосий тушунчалар

§1. Қисқартмалар

1. Мазкур Қоидаларда куйидаги қисқартмалардан фойдаланилади:

АИП (AIP)	-	Аэронавигация маълумотлар тўплами
АИРАК (AIRAC)	-	Аэронавигацион маълумотларни муайянлаштириш ва назорат қилиш
ВОР (VOR)	-	Ҳар томонга қаратилган радиомаёқ.
ҲТ	-	Ҳаво трассаси
ДМЕ (DME)	-	Узоқ масофани ўлчаш жиҳози
РУУР (LOM)	-	Радиомаркерли узоқдан узатиш радиостанцияси
УЧҚХ	-	Учиш ва қўниш худуди
СХФБ ЯТ	-	Самовий худуддан фойдаланишни бошқариш ягона тизими (Ўзбекистон Республикасида)
ИКАО	-	Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти
КГц (KHz)	-	Килогерц
Км (km)	-	Километр
АНН (ARP)	-	Аэродромнинг назорат нуқтаси
МГц (MHz)	-	Мегагерц
МЙБ (track)	-	Магнитли йўл бурчаги

МХБ	- Минимал хатарсиз баландлик
ПБҚТ	- Приборлар бўйича қўниш тизими
АХП	- Аэродром худудида парвозлар
ТЖ	- Тўхташ жойи
ХХХК	- Ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш
ВҚКҚ	- Визуал қўнишга кириш қоидалари
ПҚКҚ	- Приборлар бўйича қўнишга кириш қоидалари
АУРС (NDB)	- Алоҳида узатиш радиостанцияси
СХЕЖ (NCRP)	- Сўров бўйича хабар етказиш жойи
МХЕЖ (CRP)	- Мажбурий хабар етказиш жойи
АХ (ТМА)	- Аэродром худуди
РНН	- Радионавигация нуқтаси
РМТ	- Қўниш учун радиомаёқ тизими
РТВ	- Радиотехник воситалар
ХХХКХ	- Ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш худуди
ЎЗР	- Ўзбекистон Республикаси
СҲФБ ЯТ ҲМ	- Самовий худуддан фойдаланишни бошқариш ягона тизимининг худудий маркази
ХХБ	- Ҳаво ҳаракатини бошқариш
ч/сиз (UNL)	- Чекловларсиз
к/к (H24)	- Кечаю-кундуз
с/б (НО)	- Сўров бўйича
п/в (HS)	- Парвоз вақтида
S	- Масофа
UT (D)	- Хавфли худуд (Ўзбекистон Республикаси худудида)
UT (R)	- Парвозлар чегараланган худуд (Ўзбекистон Республикаси худудида)
UT (P)	- Таъқиқланган худуд (Ўзбекистон Республикаси худудида)
БНН (IAF)	- Қўнишга киришиш бошланғич босқичнинг назорат нуқтаси Initial approach fix
ОНН (FAF)	- Қўнишга киришиш охириги босқичнинг назорат нуқтаси Final approach fix
ОБН (FAP)	- Қўнишга киришишдаги сўнгги босқич нуқтаси Final approach point
DG	- Фоизларда кўрсатилган пасайиш градиенти.

	-	Descent Gradient, %
W (GS)	-	Ерга нисбатан ҳаракат тезлиги, км/ч Ground speed, km/h
ГОб (GP)	-	Глиссаданинг оғиш бурчаги Glide path
ПМНБ (MDH)	-	Пасайишнинг минимал нисбий баландлиги Minimum descent height
Лкўр (VIS)	-	Кўриниш узоқлиги Visibility
МАРt	-	Иккинчи айланишга кетиш нуқтаси Missed approach point
Нк.х. (MHA)	-	Кутиш ҳудудининг минимал баландлиги Minimum holding altitude
Нб.пч (CEIL)	-	Булулларнинг пастки чегарасигача бўлган баландлик Ceiling
SID	-	Приборлар бўйича стандартли учиб кетиш йўналиши Standard Instrument Departure
STAR	-	Приборлар бўйича стандартли учиб келиш йўналиши Standard Terminal Arrival Procedure
IAC	-	Қўнишга кириш йўналиши Instrument Approach Chart
RVR	-	УҚЙ да кўриниш узоқлиги Runway Visual Range
Нтн (rdh)	-	Таянч нуқта нисбий баландлиги
ПБ	-	Аниқ бўлмаган тизимлар бўйича пасайиш бурчаги Descent angle for non-precision approach
FT (фут)	-	фут (0,305 м)
КТ (уз)	-	узел (денгиз мили соатига)
NM (д. мили)	-	денгиз мили (1852 м)

2016й. 19. 07. Қўшимча № 2.

§2. Асосий тушунчалар

2. Мазкур Қоидаларда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Абсолют баландлик – ўртача денгиз сатҳидан (MSL) маълум бир нуқта сифатида олинган объект ёки нуқта сатҳигача бўлган вертикал масофа.

Абсолют ўтиш баландлиги – самолётнинг вертикал текисликда эгаллаган ҳолати, абсолют баландлик ўлчамларида бериладиган вертикал баландлик.

Тўсиқдан ўтиш абсолют/нисбий баландлиги – белгиланган меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш фойдаланиладиган учун УҚЙ остонасидан ёки тегишли ҳолларда, аэродром сатҳидан ошиш устидаги минимал абсолют ёки нисбий баландлик.

Аэродром (гидроаэродром) – юзаси тўлиқ ёки қисман ҳаво кемаларининг қабул қилиб олиниши, жўнатилиши ва ҳаракатланиши учун мўлжалланган ер ёки сув юзасидаги маълум бир ҳудуд (ҳар қандай бино, иншоот ва жиҳозлари билан биргаликда).

Аэронавигация маълумотлари – аэродромларнинг хусусиятлари ва ҳақиқий ҳолатига, аэродром ҳудуди ва ҳаво трассаларида ҳаракатланиш ҳамда уларни радиотехник воситалар билан жиҳозлаш тартибига тааллуқли бўлган маълумот.

Аэропорт – ҳаво кемаларини қабул қилиб олиш, жўнатиш ва ва ҳаводаги ташишга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, ушбу мақсадлар учун аэродром, аэровокзал ва бошқа ер усти иншоотларига ва керакли ускуналарга эга бўлган иншоотлар мажмуаси.

Барометрик баландлик – стандарт атмосфера бўйича ушбу босимга мос акс эттирилган абсолют баландлик ўлчамларидаги атмосфера босими.

Хавфсиз баландлик – ҳаво кемаси ер (сув) юзаси ёки ундаги тўсиқлар билан тўқнашиб кетмаслигидан кафолатланган парвознинг минимал рухсат этиладиган баландлиги.

Самолётнинг қўтарилиши – парвознинг самолётнинг тезлик олишидан бошлаб ердан узилишини ўзида қамраб, парвоз қилиш конфигурациясига ўтиш билан тугайдиган босқичи

Қўтарилиш масофаси – самолёт горизонтал йўналишда старт нуқтасидан самолёт старт нуқтаси сатҳидан 10,7м баландликка қўтарилгунча босиб ўтган масофа

Қўнишга визуал кириш (1,2 ва 3 синф ХҚлари учун) – асбоблар бўйича қўнишга ўтиш тугамай туриб қўнишга кириш учиш - қўниш йўлкаси ва унинг ориентирлари билан визуал контактда давом этиши.

Учиш-қўниш йўлаги (УҚЙ) – аэродромнинг ҳаво кемаларининг қўниши ва учиши учун мўлжалланган, қуруқликдаги маълум бир тўғри бурчакли қисми.

Ҳаво трассаси – назорат остидаги, йўлак деб тасаввур қилинган ҳаво ҳудуди (ёки унинг қисми).

Таянч нуқтасининг баландлиги – УҚЙ остонасида вертикал юзадаги глиссаданинг ёки номинал траекториянинг давом этган нисбий баландлиги.

Ўтиш баландлиги – аэродром ҳудудида берилган эшелонни олиш вақтида барометрик баландлик ўлчагич (альтиметр) шкаласини 760 мм с.у. (1013,2 мбар) га ўтказиш баландлиги.

Самолётнинг қўнишга кириши – парвознинг парвоз конфигурацияси баландлигидан қўнишга кириш конфигурациясининг УҚЙ сатҳидан 15 м (кириш тезлиги 200 к/метрсоат бўлган самолётлар учун 9 м) гача бўлган босқичи.

Асбоблар бўйича қўнишга кириш – қўнишга кириш ёки асбоблар бўйича қўнишга кириш асосий схемаси навигация назорати остида асбоблардан фойдаланиб бажариладиган қўнишга кириш. Қўнишга киришнинг иккита асосий усуллари мавжуд:

а) фақат ёнламача навигация кузатуvidан фойдаланиб, икки ўлчамли (2D) асбоблар бўйича қўнишга кириш;

б) қандай ёнламача бўлса, худди шундай вертикал навигация кузатуvidан фойдаланиб, уч ўлчамли (3D) асбоблар бўйича қўнишга кириш;

Изоҳ: ёнламача ёки вертикал навигация кузатуви қуйидагилар ёрдамида кузатувни хосил қилади:

а) ер устидаги навигация воситаси, ёки

б) навигация воситаларидан ёки бундай воситаларнинг жамланмасидан ерда, йўлдошда навигация маълумотларини компьютерга бериш;

ВҚКҚ бўйича қўнишга кириш – парвознинг ВҚК қоидаларига риоя қилган ҳолда ва белгиланган ВҚКҚ минимумларида визуал бажариладиган босқичи.

Кўтарилиш ва қўниш ҳудуди - аэродром сатҳидан иккинчи эшелон баландлигигача бўлган ҳаво ҳудуди, ҳаво кемаларининг кўтарилиш ва қўнишдаги маневр қилишини таъминлайдиган ёндошган ҳудудларибилан.

Кутиш зонаси –ҳаво кемалари кейинги диспетчерлик рухсатларини кутиши учун қоида тариқасида, аэродром (аэроузел) РНН устида белгиланган, маълум бир ҳажмдаги ҳаво ҳудуди.

Тақиқланган зона – давлат ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устида белгиланган, унинг чегараларида ҳаво кемаларининг парвозларни амалга ошириши тақиқланган ҳаво ҳудуди.

Аэродромнинг ҳаракатланиш зонаси – аэродромда ҳаракатланишни хавфсизлигини таъминлаш учун аэродром атрофида белгиланган ҳажмлардаги ажратилган ҳаво ҳудуди.

2016й. 19..07. Қўшимча № 2.

Парвозларнинг амалга ошириши чекланган зона - давлат ҳудуди ёки ҳудудий

сувлари устида белгиланган, унинг чегараларида ҳаво кемаларининг парвозларни амалга ошириши маълум шартлар билан чекланган ҳаво ҳудуди.

Ўтиш зонаси (худуд) – МХЙ ҳудудидаги ҳаво ҳудуди ҳамда учиш ва қўниш зонасидан ташқари, аэродром (аэроузел) доирасидаги ҳаво ҳудуди.

ХХБ зонаси (худуди) - СХБ органи ўз функцияларини амалга оширадиган, белгиланган ҳажмдаги ҳаво ҳудуди.

Изогона – аниқ бир давр кўрсаткичлари бўйича бир хил магнитли оғишликлардаги барча нукталарни харита ёки чизмада бирлаштирувчи чизик

Изогрива – хаританинг навигация тўридаги шимолий йўналиши ва магнитли меридианнинг шимолий йўналиши ўртасидаги бир хил бурчакли номувофикликда бўлган нукталарини харита ёки чизмада бирлаштирувчи чизик

ХК парвозининг таснифланиш тезлиги – сертификатланган максимал қўниш вазидаги қўниш конфигурациясида оғиш тезлигидан 1,3 марта катта тезлик.

Назорат қилинувчи ҳудуд (НҚХ) – учиш майдонининг УҚЙ, учиш йўлкасининг режалаштирилган қисми, тормозланишнинг якуний йўлкаси ва эркин зонани ўз ичига олувчи қисми.

Аэродромнинг назорат нуктаси – аэродромнинг географик жойлашувини аниқлаш шартли нукта.

Назорат пункти (мўлжал) – ҳаво кемасининг жойлашган ўрни унга нисбатан маълум қилиниши лозим бўлган маълум бир географик мўлжал.

Тормозланишнинг якуний йўлкаси (ТЯЙ) – кўтарилиш узилган ҳолатда, ҳаво кемасининг тўхташи учун мўлжалланган, тезликни олиш йўлагининг охирида махсус тайёрланган тўғри тўртбурчак шаклидаги ҳудуд

Йўналиш – ҳаво кемаси бўйлама ўқининг ҳолати шимолий йўналиш (ҳақиқий, магнит, компас ёки шартли меридианлар)дан ҳисобланадиган, одатда бурчак даражаларида кўрсатиладиган йўналиш.

Йўл чизиғи – исталган нуктасидаги йўналиши шимолий йўналишдан (ҳақиқий, магнит, компас ёки шартли меридиан), даражаларда ўлчанадиган бурчак билан ифодаланувчи ҳаво кемаси парвози траекториясининг ер сатҳига проекцияси.

Учиш майдони – аэродромнинг эркин зоналарга эга бўлган бир ёки бир нечта учиш йўлкалари, бурилиш йўлакчалари, перронлар, тўхташ жойлари ва алоҳида мақсадлар учун махсус ажратилган майдонлар жойлашган қисми.

Учиш йўлаги (УЙ) – аэродромнинг учиш-қўниш йўлагини ва агар улар назарда тутилган бўлса, ҳаво кемаларининг учиши ва қўнишини, УҚЙ ташқарисига чиқиб кетган ҳаво кемалари шикастланиши рискени камайтиришни ва учиш ва қўниш вақтида унинг

устидан учиб ўтиб кетаётган ҳаво кемалари хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган, якуний тормозланиш йўлкаларини ўз ичига олувчи қисми. Учиш йўлагининг ўлчами ҳар бир аэродром учун ушбу аэродромдаги парвозларни амалга ошириш йўриқномасида белгилаб қўйилади.

ҲҲҲК йўналиши – ҳаво ҳаракатларига хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадларида ҳаракат оқимини йўналтириш учун мўлжалланган, белгиланган йўналиш.

1-изоҳ. “ҲҲҲК йўналиши” атамаси тегишли ҳолатларда ҳаво трассасини, консультатив йўналишни, назорат қилинадиган ёки назорат қилинмайдиган йўналишни, учиб келиш ёки учиб кетиш йўналишини ва ҳ.к.ларни ифодалаш учун қўлланилади.

2-изоҳ. ҲҲҲК йўналиши йўналиш бўйича техник талаблар билан аниқланиб, бу талаблар ҲҲҲК йўналиши индексини, йўлнинг асосий нуқталар (йўлнинг нуқталари)гача бўлган ёки орқага қайтиш йўналишидаги чизиғини, асосий нуқталар орасидаги масофани, хабарларни узатишга бўлган талабларни, шунингдек, ҲҲҲК ваколатли органининг тегишли қарорига асосан – энг пастки хавфсиз абсолют баландликни ўз ичига олади.

Жой – тоғлар, тепаликлар, чўққилар, водийлар, сув, абадий музлик ва қор тўплами каби табиий элементларни ўзида қамраган ер сирти, сунъий тўсиқлар бундан мустасно.

Амалий мақсадларда, маълумотларни олиш усулига боғлиқ равишда, жой қуруқ ер, қоплама сирти ёки улар орасидаги бирор нарса устидан ўтувчи сиртни ва шунингдек, «дастлабки таянч сирти» деб аталувчи юзани намоён этади.

Тоғли жой – нотекис рельефли, 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 500 м ва ундан ортиқ бўлган, шунингдек денгиз сатҳидан 1000 метр ва ундан ортиқ бўлган жой.

Қирлик жой - нотекис рельефли, 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 200 м дан 500 м гача бўлган жой.

Минимал пастлашиш баландлиги (МПБ) ёки минимал нисбий пастлашиш баландлиги (МНПБ) – қўнишга икки ўлчамли (2D) кириш схемасида кўрсатилган, ориентирлар билан визуал контактсиз янада пастлашиш мумкин бўлмаган баландлик.

Текислик жой - 25 км радиусда нисбий баландлик ўзгариши 200 м гача бўлган жой.

УҚЙ олдида кутиш жойи - УҚЙни, тўсиқларнинг чегараланиш сатҳи ёки РМТ(ILS)/MLS нинг сезиш/критик ҳудудини ҳимоялаш учун мўлжалланган жой бўлиб, агар аэродромнинг диспетчерлик пунктидан бошқа кўрсатмалар келмаса, бурилаётган ҳаво кемалари ва транспорт воситалари бу ерда тўхтаб, кутиб турадилар.

Изоҳ. Радиотелефон фразеологиясида “кутиш нуқтаси” атамаси УҚЙ олдида кутиш жойини белгилаш учун ишлатилади.

Жойлашиши (географик жиҳатдан) - Ер сатҳида жойлашишини аниқловчи, математик жиҳатдан белгиланган референц – эллипсоидга боғланган координаталар (кенглик ва узунлик)

Минимал пастлашиш баландлиги (МПБ) - қўнишга ноаниқ кириш ёки қўнишга визуал кириш схемасида кўрсатилган, ориентирлар билан визуал контакtsiz янада пастлашиш мумкин бўлмаган баландлик. МПБ аэродромнинг баландлашиш нуқтасидан ёки УҚЙ остонаси баландлашишидан ҳисобланади, агар ундаги фарқланиш камида 2 м кам бўлса. Қўнишга визуал кирилган ҳолда МПБ аэродром баландлигидан ҳисобланади.

Навигацион тасниф - ҳаво кемасининг белгиланган доирасида, тавсифига асосан, навигация шароитида парвозларни таъминлаш учун зарур ҳаво кемаси ва учиш экипажи талабларининг жамланмаси. Навигацион таснифнинг иккита тури мавжуд:

а) (RNP) навигацион тавсифини талаб қилиш таснифи. Навигацион таснифи, асосий зонал навигациялардан бўлиб, RNP префиксини англатувчи, тавсифга риоя қилинмаслик тўғрисида огоҳ берувчи ва маҳкам туриши учун назоратга бўлган талабни ўз ичига олади, масалан RNP 4, RNP APCH.

б) Худудий навигациясининг таснифи.(RNAV). Навигацион таснифи, асосий зонал навигациялардан бўлиб, RNAV префиксини англатувчи, тавсифга риоя қилинмаслик тўғрисида огоҳ берувчи ва маҳкам туриши учун назоратга бўлган талабни ўз ичига олади, масалан RNAV 5, RNAV 1.

Қўнишга киришиш ва қўнишнинг ноаниқ мўлжаллари:

ён тараф йўналиши бўйича ҳаракатланиш кўрсаткичларини қўллаб, аммо вертикал йўналиш кўрсаткичларини қўлламаган ҳолда асбоблар бўйича қўнишга киришиш ва қўниш;

ён тараф ва вертикал йўналишлар бўйича ҳаракатланиш кўрсаткичларини қўллаган ҳолда, аммо қўнишга аниқ киришиш учун белгиланган талабларга жавоб бермайдиган асбоблар бўйича қўнишга киришиш ва қўниш.

Хавфли ҳудуд – ҳудудида маълум вақт давомида ҳаво кемалари парвози учун хавф туғдирувчи фаолият олиб бориши мумкин бўлган белгиланган ўлчамлардаги ҳаво ҳудуди.

Нисбий баландлик – маълум бир нуқта баландлигидан бошқа бир нуқта сифатида олинган объект ёки нуқта баландлигигача бўлган вертикал масофа.

Перрон –йўловчиларни ўтқазиб ёки тушириш, почта ёки юкларни ортиш ёки тушириш, ёки қўйиш, ҳаво кемалари туриши ёки техник хизмат кўрсатиш мақсадида ҳаво кемаларини жойлаштириш учун ажратилган куруқликдаги аэродромнинг маълум майдони.

ВПҚ бўйича парвоз – визуал парвоз қоидалари асосида амалга оширилувчи парвоз.

Аэродромнинг баландлиги – УҚЙ энг баланд нуқтасининг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги. Бир қанча УҚЙ мавжуд бўлганда кўпроқ аҳамиятга молик бўлгани танланади.

Учиш-қўниш йўлаги остонасининг баландлиги – УҚЙ остонасидаги сатҳнинг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги.

Асбоблар бўйича парвоз – ҳаво кемасининг ҳудудий ҳолати ва унинг жойлашган ўрни экипаж томонидан тўлиқ ёки қисман учувчи ва навигация ускуналари асосида аниқланиладиган ҳолда амалга ошириладиган парвоз.

УҚЙ остонаси – ҳаво кемаларининг қўниши учун фойдаланилиши мумкин бўлган УҚЙ участкасининг боши.

Қўниш масофаси – ХК нинг УҚЙ остонаси тепасидаги 15 метр (50 фут) баландликдан то батамом тўхтагунгача қадар горизонтал йўналишдаги масофада босган йўли (пасайиш градиенти 5 фоиздан кўп бўлмаган ва қўнишга киришдаги тезлиги 200 км/с (110 уз) дан паст бўлган ХК учун - 9 метр (30 фут);

Қўнишга киришнинг ноаниқ мўлжаллар схемаси (NRA) – А туридаги асбоблар бўйича икки услубли (2D) қўнишга киришни бажариш учун белгиланган, вертикал кузатувдан фойдаланишсиз асбоблар бўйича қўнишга кириш схемаси.

Изоҳ: қўнишга киришнинг ноаниқ мўлжаллар схемаси бўйича парвозлар сўнги участкасида тўхтовсиз пастлашиш билан қўнишга кириш (CDFA) усулидан фойдаланиш билан бажарилиши мумкин. CDFA усули бўйича операциялар VNAVда маслаҳатли кузатувлар билан ва борт жихозлари параметрларини ҳисобга олган ҳолда ускуналар бўйича қўнишнинг уч ўлчамли (3D) кириши ҳисобланади. CDFA усули бўйича операциялар вертикал йўналишдаги пасайишини талаб қиладиган автоматлаштирилмаган ҳисоб асосидаги параметрларни ҳисобга олиб, асбоблар бўйича қўнишга киришнинг икки ўлчамли (2D) кириши ҳисобланади.

Вертикал кузатиш билан қўнишга кириш схемаси (ARV) – А туридаги асбоблар бўйича икки услубли (2D) қўнишга киришни бажариш учун белгиланган, RVN таснифига асосланган, навигация концепциясига тегишли, асбоблар бўйича қўнишга кириш схемаси;

Қўнишга киришнинг аниқ схемаси (PA) – А ёки В туридаги асбоблар бўйича уч услубли (3D) қўнишга киришни бажариш учун белгиланган, (ILS, MLS, GLS ва SBAS 1 тоифа) навигация тизимига асосланган, асбоблар бўйича қўнишга кириш схемаси.

Тўсиқлар – барча ҳаракатсиз (вақтинча ёки доимо) ва ҳаракатчан объектлар ёки уларнинг бир қисми, улар:

а) ҳаво кемаларининг ер сатҳида ҳаракатланиши учун мўлжалланган ҳудудда жойлашган; ёки

б) ҳаво кемаларининг парвозда хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган, белгиланган сатҳдан кўтарилиб турган; ёки

в) баҳолаш натижаси бўйича аэронавигация учун хавф туғдирувчи ва белгиланган сатҳдан баландликда жойлашган объектлар.

“тўсиқлар” қисқартмаси қандай типдаги парвозларни амалга оширишда ҳаво кемаларининг хавфсиз утиши учун потенциал хавсизликни вужудга келтирувчи ва шу турдаги парвозлар учун мўлжалланган, фақатгина харитага объектларни киритиш ва муаянлаштириш мақсадида қўлланилади.

Тўсиқлар – ҳаво кемаларининг ер сатҳида ҳаракатланиши учун мўлжалланган ҳудудда жойлашган ёки ҳаво кемаларининг парвозда хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган ва аниқ бир сатҳдан кўтарилиб турган барча ҳаракатсиз (вақтинча ёки доимо) ва ҳаракатчан объектлар ёки уларнинг бир қисми.

Ораликдаги кутиш жойи - бурилаётган ҳаво кемалари ва транспорт воситалари тўхтаб, аэродромнинг диспетчерлик пунктидан ҳаракатланиш мумкинлиги тўғрисида навбатдаги кўрсатмалар келишини кутиб турадиган аниқ бир жой.

Маълумотни жўнатиш нуқтаси – белгиланган (номи аниқ) географик ориентир унга нисбатан ҳаво кемасининг жойи аниқланиши ва айтилиши мумкин.

Учта тоифали маълумотни жўнатиш нуқтаси мавжуд: ердаги навигацион восита, кесиб ўтиш ва йўл нуқтаси. Қўлланиладиган қисқартма контекстида кесиб ўтиш асосий нуқта ҳисобланиб, ердаги навигацион воситадан радиаллар, пеленглар ёки масофалар билан белгиланади. Маълумотни жўнатиш нуқтаси икки хилда кўрсатилиши мумкин: “мажбурий” ёки “сўров асосида”.

Парвоз маълумотлари ҳудуди – доирасида парвоз маълумотлари ва авария хабари хизмати таъминланадиган, маълум ўлчамлардаги ҳаво ҳудуди.

Аэродром ҳудуди - горизонтал ва вертикал текисликларда белгиланган чегаралардаги аэродром ва унга туташган ҳудуд устидаги ҳаво ҳудуди.

Ихтиёрдаги (тасарруфдаги) учиб чиқиш масофаси (ИУЧМ) - ихтиёрдаги (тасарруфдаги) тезликни олиш масофасининг ва агар кўзда тутилган бўлса, эркин ҳудуд узунлигининг йиғиндиси.

Ихтиёрдаги (тасарруфдаги) узилган учиб чиқиш масофаси (ИУУЧМ) - ихтиёрдаги (тасарруфдаги) тезликни олиш масофасининг ва агар кўзда тутилган бўлса, тормозланишнинг охириги йўлаги узунлигининг йиғиндиси.

Ихтиёрдаги (тасарруфдаги) тезликни олиш масофаси (ИТОМ) - УҚЙ нинг ихтиёрдаги (тасарруфдаги) ва учиб чиқаётган ҳаво кемаси учун тезликни олишига яроқли деб тан олинган узунлиги.

Ихтиёрдаги (тасарруфдаги) қўниш масофаси (ИҚМ) - УҚЙ нинг ихтиёрдаги (тасарруфдаги) ва ҳаво кемасининг қўнгандан кейин ер юзасида югуриши учун яроқли деб тан олинган узунлиги.

Йўналиш йўлаклари (ЙЙ) - курукликдаги аэродромда ХКларнинг ҳаракатланиши учун белгиланган ва аэродромнинг бир қисмини бошқа қисми билан туташтириш учун мўлжалланган йулақлар, шу жумладан:

а) Тўхташ бекатида ҳаво кемасини буриш йўлаги – ХКнинг фақат тўхташ жойларига ҳаракатланишни таъминлаш учун мўлжалланган ва перроннинг ҳаракатланиш учун белгиланган бир бўлаги;

б) Перрон йўналиш йулақчалари – ЙЙ тизимининг перрон орқали ҳаракатланиш йўналишини таъминлаш учун мўлжалланган ва перронда жойлашган бир бўлаги;

в) Тезлик билан УҚЙдан чиқувчи йўналиш йўлаклари – УҚЙ билан ўткир бурчакда туташган йўлак бўлиб, қўнишни амалга оширган самолётларнинг бошқа УҚЙдан чиқувчи йўналиш йўлақларида ошириладиган тезликларга нисбатан юқори тезликда УҚЙдан чиқиш имконини беради, шу билан бирга УҚЙда туриш вақтини камайтиради.

ХКнинг аэродром ҳудудида ҳаракатланиши – ХКнинг ўз тортиш кучи ҳисобига аэродром ҳудуди бўйлаб ер сатҳидаги ҳаракати, учиб чиқиш ва қўниш бундан мустасно.

Эркин ҳудуд (ЭХ) – ҳаво кемасининг дастлабки баландликни олишидан белгиланган жойгача бўлган баландликни олишигача лозим бўлган участка сифатида танланган ёки тайёрланган, тезлик олишнинг ҳисобга олинган масофаси охирига келиб тақалган, аэропорт хизмати назорати остида бўлган ер ёки сув юзасидаги тўғри бурчакли участка.

Аэронавигация маълумотлари тўплами – давлат томонидан чиқарилган ёки санкцияланган, мазкур давлат ҳаво ҳудудидаги аэронавигация учун муҳим аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли аэронавигация маълумотларини ўзида мужассамлаштирган нашр.

Геодезия координаталари тизими – ҳисоблаш бўйича маҳаллий тизимнинг ҳисоблаш/координаталарнинг глобал тизимига нисбатан жойлашиши ва мўлжалини аниқлаш учун зарур бўлган параметрларнинг минимал тўплами.

Учиш йўлагининг режалаштирилган қисми (УЙРҚ) – ХҚни УҚЙдан чиқаришда унга шикаст етказилиш эҳтимолини минимумга келтириш мақсадида режалаштирилган ва тайёрланган, УҚЙнинг ён тарафидаги, боши ва охиридаги четларига бирлашган ерли қўшимча йулақлар.

Жиддий тўсиқлар – аниқ ишлаб чиқилган схемалар бўйича парвозларни бажаришда ҳаво кемаларининг хавфсизлиги учун яширин хавф туғдирувчи ва белгиланган ҳудуднинг бириктирилган ва атрофдаги элементларининг сатҳидан кўтарилиб турган ҳар қандай табиий элемент ёки доимий ёхуд вақтинча сунъий объект.

Асбоблар бўйича қўнишга кириш схемаси – қўнишга кириш бошланғич босқичининг назорат нуқтасидан ёки, тегишли ҳолларда, белгиланган йўналишнинг бошидан қўнишга киришишни бошлаш мумкин бўлган нуқтагача, агар қўниш амалга оширилмаган бўлса, кутиш ҳудудидаги ёхуд йўналишдаги тўсиқлардан учиб ўтиш кўрсаткичлари қўлланиладиган нуқтагача мавжуд бўлган тўсиқлар билан тўқнашишларнинг олинган олиш бўйича ўрнатилган талабларга риоя қилган ҳолда олдиндан режалаштирилган, учиш асбоблари бўйича бажариладиган маневрлар серияси.

Техноген муҳит – ер сатҳидаги барча сунъий иншоотлар, масалан, шаҳарлар, темир йўллар ва каналлар.

Туслар гипсометрияси – ҳудуднинг баландликларини акс эттириш учун қўлланиладиган ранглар ва тусларнинг кетма-кетликдаги жилваси.

Қўнишга кириш ва қўнишнинг тўғри бажарилиши – қўнишга кириш ва қўниш тоифалари билан аниқланадиган минимумларда ён тарафни ва вертикал баландликни кўрсатишлардан фойдаланган ҳолда асбоблар бўйича қўнишга киришиш ва қўнишдир.

Навигация воситалари ёрдамида таъминланадиган ёки компьютер орқали шакллантириладиган навигация маълумотларини кўрсатиш – ён тарафни ва вертикал баландликни кўрсатишни ифодалайди.

Йўл нуқтаси – зонал навигацияни қўллаб ҳаракатланаётган ҳаво кемасининг траекторияси ёки зонал навигация йўналишини белгилаш учун қўлланиладиган маълум географик нуқта. Йўл нуқталари қуйидагича белгиланиши мумкин:

“флай-бай йўл нуқтаси – кейинги йўналиш қисмига ёки схемага чиқишни таъминлайдиган бурилиш нуқтаси.”.

“флайовер” йўл нуқтаси – схема ёки кейинги йўналишга чиқиш мақсадида бурилишни амалга ошириш нуқтаси.

Иккинчи доирага кетиш нуқтаси – қўнишга кириш схемасида иккинчи доирага кетишнинг белгиланган схемаси бўйича парвоз бошланиши керак бўлган тўсиқ устида минимал баландлик захирасини таъминлаш учун мўлжалланган нуқта.

Глиссаданинг оғиш бурчаги – белгиланган йўналишдаги УҚЙ учун ўрнатилган глиссада чизиғи ва горизонтал текислик орасидаги бурчак.

Пастлашиш бурчаги (ПБ) – ноаниқ тизимлар бўйича кўнишга киришишдаги кўнишга киришишнинг охириги босқичидаги пастлашиш бурчаги.

Элемент – реал дунёнинг ҳодисаларини билдирувчи мавҳум тушунча.

Ўтиш эшелони – барометрик баландлик ўлчаш мосламасини стандартли босим (760 мм.сим.уст; 1013, 2 мбар)дан аэродром босим ўлчамига ёки денгиз сатҳига келтирилган минимал босимга ўтказиш учун белгиланган эшелон. Аэродром (аэроузел, ХХК ҳудудининг бир қисми)нинг энг пастки эшелони ўтиш эшелони бўлиб ҳисобланади.

II. Умумий қоидалар

§ 1. Асосий талаблар

3. Парвозларни ташкил этиш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир аэродромлари учун хариталар тузилади.

4. Мазкур Қоидалар бўйича тузилган хариталар Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўплами (АИП) ва Аэродром ҳудуди (УҚХ)да парвозларни бажариш йўриқномаси учун қўлланилади.

5. Ушбу Қоидаларнинг талаблари хариталарни ишлаб чиқиш ва тузиш билан машғул бўлган мутахассислар, шунингдек парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлашда иштирок этувчи мансабдор шахслар учун қўлланма сифатида фойдаланиш ва бажариш учун мажбурийдир.

6. Турли аэронавигация маълумотлари тўпларида қўлланилувчи аэронавигация хариталар Аэродром ҳудуди (УҚХ)да парвозларни бажариш йўриқномаси (ЎЗР АНМ, РФ АММ, Jeppesen ва бошқалар) ёки Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўплами (АИП) да нашр этилган аэронавигация маълумотлар асосида тузилган ва тақдим этилувчи маълумотларнинг шакли бўйича фарқ қилиши мумкин.

§ 2. Хариталардан фойдаланиш талаблари

7. Мазкур Қоидаларга мувофиқ бутун парвоз жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

а) 1-босқич. Ҳаво кемасини тўхташ жойидан учиш нуқтасигача бошқариб бориш;

б) 2-босқич. ХХХК тузилмаси йўналишларидаги йўналиш бўйича парвоз қилиш учун учиш ва баландликни олиш;

в) 3-босқич. ХХХК тузилмаси йўналишларидаги йўналиш бўйича парвоз қилиш;

г) 4-босқич. Қўнишга киришиш учун пасайиш;

д) 5-босқич. Қўнишга киришиш ва иккинчи доирага кетиш;

е) 6-босқич. Ҳаво кемасини тўхташ жойигача қўниш ва бошқариб бориш.

8. Ҳар бир турдаги харита қайси мақсадларга мўлжалланганлигига боғлиқ бўлган тегишли маълумотларга эга бўлиб, ундан оптимал фойдаланишни таъминловчи инсон омили аспектиларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

9. Ҳар бир турдаги харита аэронавигация маълумотларидан фойдаланишда ҳаво кемасининг парвозларни хавфсиз бажаришини ва тезлик билан ишлашини таъминлаш мақсадида бажариладиган парвознинг босқичи учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади.

10. Маълумотлар аниқ, хатоликларсиз ва қисқа, икки хил маънони билдирувчи иборалар қўлланилмаган ҳолда парвозларни бажаришнинг барча нормал шароитларида ўқиш учун ҳолатда берилиши зарур.

11. Туслар гипсометрияси қўлланилганда, ранглар ёки тусларнинг кетма-кетлиги ва намунали ўлчами шундай танланиши лозимки, бунда табиий ва сунъий ёруғликлардаги турли шароитларда осон учувчи учун ўқиши ва тушуниши таъминланиши керак.

12. Хариталардаги маълумотлар ўқилиши ва харитани тушуниш, парвозларни бажариш шароитлари ва келишилган учувчи учун оқилона вақт ичида олиши таъминланган ҳолда тақдим этилиши керак.

13. Ҳар бир турдаги хариталарда маълумотлар беришда парвознинг босқичига мувофиқ бир харитадан бошқа харитага билан ўтишга йўл қўйилади.

14. Хариталар ҳақиқий меридиандан шимол йўналишидаги мўлжалга эга бўлиб, аэродромда ҳаракат қилиш, ХКнинг тўхташ жойлари/ХКларни тўхташ жойига қўйиш ва аэродром хариталари бундан мустасно.

15. Хариталарнинг асосий ўлчамлари:

а) харита қоғозининг асосий ўлчами 297 x 210 мм (А4). Зарурат бўлганида, 420 x 297 мм (А3) ўлчами қўлланилиши мумкин;

б) аэронавигация хариталарининг рамкалари “рамка намуналари”да (2-илова) кўрсатилган.

16. Хариталарнинг номланиши мазкур Қоидаларнинг тегишли бобининг сарлавҳасига мосдир.

17. Аниқ харита бўйича махсус эслатма бўлмаган ҳолларда, ҳар бир хаританинг юза томонида рамка ташқарисиди қуйидаги тушунтиришлар ёзилади:

- а) хаританинг белгилари;
- б) варақнинг ҳудудга боғланиши;
- в) хаританинг ҳошиясида чегарадош варақ тўғрисида маълумот (агар у мавжуд бўлса);
- г) харитани нашр қилган муассасанинг номи;
- д) кучга кирган сана ва/ёки тузатиш рақами.

18. Қўлланиладиган шартли белгилар мазкур Қоидаларнинг 1 - иловада кўрсатилган белгиларга мос келиши шарт.

19. Хариталарни тузишда қўлланиладиган ўлчов бирликлари:

- а) масофалар геодезия масофасига мувофиқ, километрларда (д. миллиарда) аниқланади;
- б) мутлақ баландликлар, тепаликлар ва нисбий баландликлар метрларда (футларда) кўрсатилади;

в) аэродромлардаги узунлик ўлчамлари ва қисқа масофалар метрларда кўрсатилади;

г) агар аэронавигация маълумотлари бўйича ҳужжатнинг бошқа бўлимида кўрсатилмаган бўлса, масофалар, мутлақ баландликлар, тепаликлар ва нисбий баландликлар, ҳар бир хаританинг юза қисмида аниқ қилиб кўрсатилади;

д) Ўзбекистон Республикаси АИП учун берилган харитада мавжуд асосий баландликларнинг метр/фут ларини ўлчов бирликларига ўтказиш жадвали нашр қилинади. Ўлчов бирликларини ўтказиш жадвали ҳар бир хаританинг юз томонида жойлаштирилади.

20. Хариталарда чизикли масштаб кўрсатилади (у қўлланиладиган жойларда).

21. Ҳар бир хаританинг юз томонида мазкур хаританинг амалга киритиш санаси аниқ кўрсатилади.

22. Хариталарда ёзувлар ёзишда қуйидаги принциплар қўлланилади:

а) радиотехник воситаларнинг чақирик сигналлари ёзишда лотин алфавити белгиларидан фойдаланилади;

б) аниқ бир харитада “бурун”, “нуқта”, “кўрфаз”, “дарё” каби географик атама­ларни қискартиришда тиниш белгилари қўйилмайди;

в) УҚЙ учун харита (чизма)лар тузишда барча ёзувлар ва тушунтиришлар инглиз тилида ёзилади;

г) Ўзбекистон Республикаси АИП учун харита (чизма)лар яратишда барча ёзувлар

ва тушунтиришлар англиз тилида ёзилади.

23. Зарурият бўлганда, хариталарда қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади.

24. Хариталарда давлат чегаралари белгиланади, аммо улар янада аҳамиятлироқ маълумотни ўқишга қийинчилик яратса, чегаралар узилиши мумкин. Харитада икки ёки ундан кўп давлатларнинг ҳудудлари акс эттирилган бўлса ҳолларда давлатларнинг номи ёзилади .

25. Харитада рельеф кўрсатилган бўлса, у мазкур харитадан фойдаланувчиларнинг қуйидаги талабларини инобатга олиб акс эттирилиши зарур:

- а) мўлжал олиш ва таниш;
- б) жойларнинг устидан учиб ўтишда хавфсиз баландликларни аниқлаш;
- в) аэронавигация маълумотлари кўрсатилган бўлса, уларни аниқ тушуниш;
- г) режалаштириш.

Рельеф, қоидага кўра, горизонтал масофа, вертикал баландлик белгилари ва рельеф ларини бирга қўшиш ёрдамида акс этирилади, шунинг билан бирга услубни танлаш хаританинг хусусияти ва масштаби ҳамда унинг нима мақсадга мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади.

Харитага киритилган баландлик белгилари алоҳида критик нуқтани билдиради.

26. Агар харитада тақиқланган ҳудудлар кўрсатилган бўлса, парвозлар чекланган ҳудудлар ёки хавфли ҳудудлар шунингдек, харитада, бу ҳудудларнинг стандартли белгилари кўрсатилади.

27. ҲҲҲК самовий ҳудудини акс эттиришда, унинг вертикал чегаралари ва фойдаланилиши лозим бўлган радиоалоқанинг частоталари ва диспетчерлик пунктининг чақирув сигналлари, шунингдек горизонтал чегаралари (зарурат бўлганда) харитада кўрсатилади.

28. Харитада магнитли оғишлар бир даражагача бўлган аниқликда кўрсатилади. AIRАСнинг олти циклидаги энг кўп даврда, ускуналар бўйича учиб хариталари учун магнит оғишларининг ўзгаришлари эълон қилиниши керак. Бир нечта аэродромлар мажмуалари жойлашган ҳудудларларда магнит оғишларининг умумлаштирилган қиймат кўрсаткичлари қўлланилиши зарур. Чунки, бир нечта аэродромлар учун мўлжалланган хариталарда умумий магнит оғишларининг бир қийматини қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

29. Харитага ёзувлар тушириш учун қуйидаги шрифтлардан фойдаланилади.:

- а) ARIAL оддий ҳарфлари;
- б) ARIAL ярим қорайтирилган ҳарфлари;
- в) ARIAL қия босма ҳарфлари;
- г) Technic Bold оддий ҳарфлари;
- д) Technic Bold ярим қорайтирилган ҳарфлари;

е) Technic Bold қия босма ҳарфлари.

30. Хариталарда (чизмаларда) географик координаталар (кенглик ва узунлик) 1984 йилда тадбиқ қилинган “Бутунжаҳон геодезия координаталари тизимида (WGS–84)” аниқланади. Географик координаталар ва бошқа русиндаги аэронавигация маълумотлари Ҳалқаро фуқаро авиацияси ташкилоти стандарти ва тавсия этилган амалиётининг 4-иловаси “Аэронавигация хариталари” 6-қўшимчасида белгиланган аниқликларда нашр қилинади.

III. Аэродром харитаси

31. Аэродром харитасида учувчилар экипажи учун ҳаво кемасини ер сатҳида қуйидаги йўналишларда ҳаракатлантиришда ёрдам берувчи маълумотлар мавжуд..

а) тўхташ жойидан УҚЙгача;

б) УҚЙдан тўхташ жойигача;

в) ердаги ЙЙ бўйлаб;

г) унда шунингдек, аэродромнинг эксплуатацияси бўйича муҳим маълумотлар мавжуд.

Аэродром харитасининг намунаси 3, 3-1 сонли иловаларда келтирилган.

32. Аэродром харитаси фуқаро авиацияси томонидан мунтазам фойдаланиладиган барча аэродромларга тақдим этилади.

33. Хариталаштирилувчи ҳудуднинг ўлчамлари ва аэродром харитасининг масштаби 34-бандда санаб ўтилган барча элементларнинг аниқ акс эттирилишини таъминлайди.

34. Аэродром харитасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) чизикли масштаб;

б) мазкур аэродром томонидан хизмат кўрсатиладиган шаҳар, аҳоли пункти ёки туманнинг номи ва бу аэродромнинг номи;

в) бир даражагача аниқликдаги магнитли оғишлар;

г) аэродромдаги назорат нуқтасининг географик координаталари;

д) аэродромнинг баландлиги, АНН ва УҚЙ остоналари ўлчамлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

е) рақами, бутун қийматга яхлитланган метр аниқлигидаги узунлиги ва кенглиги, тутиб туриш лаёқати, жойи ўзгартирилган остоналари, тормозланишнинг якуний йўлакчалари, тўсиқлардан холис ҳудудлар, магнитли меридианга нисбатан даражанинг бутун қийматга яхлитланган аниқликдаги УҚЙларнинг йўналишлари, УҚЙ юзаси ва

маркировкасининг тури кўрсатилган қурилаган ва бошқа барча УҚЙлар.

Тутиб туриш имконияти хаританинг юзида ёки орқа томонида жадвал кўринишида берилиши мумкин.

ж) барча перронлар;

з) УҚЙ остоналарининг географик координаталари ўлчамлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

и) ёруғлик сигнал воситалари, маркировка, шу жумладан УҚЙ олдидаги кутиш жойи ва “стоп” чизиғи чироқлари ва бошқа визуал йўналтириш ва бошқариш воситалари;

к) зарурат бўлганда, ҳаво ҳаракатига диспетчерлик хизматини кўрсатиш чегаралари;

л) кўриниш узоқлигини ўлчаш воситаларининг жойлашиши;

м) яқинлашиш чироқлари ва УҚЙ чироқлари тизими;

н) глиссаданинг визуал индикациясининг жойлашиши ва тури;

о) диспетчерлик пунктининг частотаси ва чақирув сигналини кўрсатиш билан радиоалоқа воситалари;

п) зарурат бўлганда, ҳаво кемасини ер сатҳида бошқариш учун жиддий тўсиқлар;

р) ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун майдончалар ва эксплуатация мақсадларидаги иншоотлар;

с) ҳаво кемаси томонидан фойдаланилиши учун ҳар доим яроқсиз бўлган ишчи майдоннинг ҳар қандай акс эттирилувчи қисми аниқ кўрсатилади

т) учиб чиқиш учун минимумлар жадвали;

у) УҚЙ тўғрисидаги маълумотлар киритилган жадвал (УҚЙ, ҳақиқий азимут, остоналар координаталари, ёруғлик жиҳозлари, ихтиёрдаги (гасарруфдаги) ИУЧМ, ТУУЧМ, ТТОМ, ТҚМ масофалари).

IV. Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитаси

35. Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитаси аэродром харитаси билан уйғунлашиши мумкин бўлиб, унда учувчилар экипажи учун ҳаво кемаларининг аэродром сатҳида туриш жойларига ва туриш жойларидан ҳаракатланишида ҳамда ҳаво кемаларининг туриш жойларида жойлашиши ва туриш жойларига жойлаштиришда ёрдам берувчи маълумотлар киритилади.

Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитасининг намунаси 4, 4-1-иловаларда келтирилган.

36. Аэродром харитасида кўп ҳажмдаги маълумотларнинг кўрсатилишидан холис бўлиш ва ҳаво кемаларининг йўналиш йўлаклари бўйлаб тўхташ жойларига ва тўхташ жойларидан ерда ҳаракатланиши учун зарур бўлган батафсил маълумотларни аниқ кўрсатиш мақсадида аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитаси тақдим этилади.

37. Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитасида кўрсатилувчи харитага туширилаётган ҳудуднинг чизиқли масштаби 38-бандда санаб ўтилган барча элементларнинг аниқ акс этирилишини таъминлаши зарур.

38. Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) мазкур аэродром томонидан хизмат кўрсатиладиган шаҳар, аҳоли пункти ёки туманнинг номи ва бу аэродромнинг номи;

б) бир даражагача аниқликдаги магнитли оғишлар;

в) худди шу тарзда, аэродром харитасидаги акс этирилувчи ҳудудга тааллуқли бўлган барча маълумотлар, шу жумладан:

1) ҳаво кемаларининг туриш жойлари билан бирга барча перронлар ва тегишли ҳолатларда ҳаво кемаларининг турлари бўйича тутиб туриш лаёқати ёки чекловлар, ёруғлик сигнал воситалари, маркировка, зарурат бўлганда, бошқа визуал йўналтириш ва бошқариш воситаларининг жойлашиши ва шу жумладан, визуал туриш жойига қўйиш тизимларининг жойлашиши ва турлари;

2) бутун қийматга яхлитланган метр аниқлигида узунлиги ва кенлиги кўрсатилган йўналиш йўлаклари, уларнинг қопламлари ва тутиб туриш лаёқати (жадвал кўринишида берилиши мумкин) ёки зарурат бўлса, ҳаво кемаларининг турлари бўйича чекловлари, ёруғлик сигнал воситалари, маркировка, шу жумладан УҚЙ олдидаги кутиш жойи ва агар ўрнатилган бўлса, ораликдаги кутиш жойлари, шунингдек, “стоп” чизиғи чироқлари;

тегишлича қўшимча маълумотлар ёзиш билан хавфли участкаларнинг жойлашиши, агар бундай участкалар ўрнатилган бўлса;

Тутиб туриш имконияти ҳаританинг юзида ёки орқа томонида жадвал кўринишида берилиши мумкин.

3) аэродромнинг ер сатҳида ҳаракатланаётган ҳаво кемалари учун кўрсатиш белгилари ўрнатилган стандартли йўналишлар, агар бундай йўналишлар ўрнатилган бўлса;

4) зарурат бўлганда, ҳаво ҳаракатига диспетчерлик хизматини кўрсатиш чегаралари;

5) диспетчерлик пунктининг частотаси ва чақирув сигналени кўрсатиш билан радиоалоқа воситалари;

б) зарурат бўлганда, ҳаво кемасини ер сатҳида бошқариш учун жиддий тўсиқлар;

7) ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун майдончалар ва эксплуатация мақсадларидаги иншоотлар;

8) ҳаво кемаси томонидан фойдаланилиши учун ҳар доим яроқсиз бўлган ишчи майдоннинг ҳар қандай акс эттирилувчи қисми аниқ кўрсатилади;

9) ҳаво кемалари томонидан доимий яроқсиз, тасвирланган иш майдонининг ҳар қандай қисми аниқ белгиланади.

V. Ҳаво кемаларнинг туриш жойлари/ҳк ларни туриш жойларига жойлаштириш харитаси.

39. ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитасига учувчилар экипажи учун ҳаво кемаларининг аэродром сатҳида туриш жойларига ва туриш жойларидан ҳаракатланишида ҳамда ҳаво кемаларининг туриш жойларида жойлашиши ва туриш жойларига жойлаштиришда ёрдам берувчи маълумотлар киритилади.

ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитасининг намунаси 5-, 5-1 — иловаларда келтирилган.

40. ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитаси туриш жойлари бўйича маълумотларни нашр этиш учун тақдим этилади.

41. ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитаси, зарурат бўлганда, Аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитаси билан мослашиши мумкин (5-2, 5-3 — иловалар).

42. ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитасида кўрсатилган харитага туширилаётган ҳудуднинг чизиқли масштаби 43 -бандда санаб ўтилган барча элементларнинг аниқ акс эттирилишини таъминлаши зарур.

43. ҲКларнинг туриш жойлари/ҲК ларни туриш жойларига жойлаштириш харитасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) мазкур аэродром томонидан хизмат кўрсатиладиган давлат, шаҳар ёки аҳоли пунктининг ҳамда мазкур аэродромнинг номи;

б) бир даражагача аниқликдаги магнитли оғишлар;

в) худди шу тарзда, аэродром харитасида ва ҳаво кемаларининг аэродром сатҳида ҳаракатланиш харитасида акс эттирилувчи ҳудудга тааллуқли бўлган барча маълумотлар, шу жумладан:

1) ҲКларнинг туриш жойлари билан бирга барча перронлар ва тегишли ҳолатларда ҳаво кемаларининг турлари бўйича тутиб туриш лаёқати ёки чекловлар, ёруғлик сигнал

воситалари, маркировка, бошқа визуал йўналтириш ва бошқариш воситаларининг жойлашиши ва шу жумладан, визуал туриш жойига қўйиш тизимларининг жойлашиши ва турлари (зарурат бўлганда алоғида варақда акс эттирилади);

2) Тўхташ жойларининг географик координатлари ўлчамлари мазкур Қоидаларнинг 30 - банди талабларига асосан кўрсатилади;

3) фойдаланиши мақсади кўрсатилган айланма йўлакларга киришлар, агар оралик кутиш жой, шунингдек, “стоп” чизиғи чироқлари ўрнатилган бўлса, кўрсатилад;

4) Қўшимча маълумотлар киритган ҳолда жойлашган ўрни кўрсатилади, агар бундай ҳудудлар белигланган бўлса. Хавфли ҳудудларга оид қўшимча маълумотлар хаританинг юза қисмига ёки тескарисига жадвал шаклида киритилиши мумкин;

5) Зарурат бўлганда, ҳаво ҳаракатига диспетчерлик хизматини кўрсатиш чегаралари;

6) диспетчерлик пунктнинг частотаси ва чақирув сигналини кўрсатиш билан тегишли радиоалоқа воситалари;

7) ҳаво кемасини ер сатҳида бошқариш учун жиддий тўсиқлар;

8) ҲҚларга хизмат кўрсатиш учун майдончалар ва эксплуатация мақсадларидаги иншоотлар;

9) ҳаво кемаси томонидан фойдаланилиши учун ҳар доим яроқсиз бўлган ишчи майдоннинг ҳар қандай акс эттирилувчи қисми аниқ кўрсатилади.

VI. А туридаги аэродром тўсиқларининг харитаси

(эксплуатация қилиш бўйича чекловлар)

44. А туридаги аэродром тўсиқларининг харитаси эксплуатантни эксплуатация қилиш бўйича чекловларга риоя қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди.

А туридаги аэродром тўсиқлари харитасининг намунаси 6, 6-1 - иловаларда келтирилган.

45. А туридаги аэродром тўсиқларининг харитаси Ўзбекистон Республикаси АИП га киритилган барча аэродромларга тақдим этилади. Учиб чиқишда баландликни олиш траекториясида аҳамиятли тўсиқлар мавжуд бўлмаган аэродромлар бундан мустасно бўлиб, бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси АИП да махсус билдиришнома чоп этилади.

46. А туридаги аэродром тўсиқларининг харитасида баландликлар ва чизикли ўлчовлар мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади.

47. А туридаги аэродром тўсиқларининг харитаси қуйидагича тузилади:

- а) горизонтал масштаб 1:10 000 дан 1:20 000 гача бўлган ўлчамда танланади;
- б) вертикал масштаб горизонтал масштабдан ўн марта катталиқда қўлланилади.

Горизонтал ва вертикал чизиқли масштаблар харитада метрларда кўрсатилади;

в) ҳар бир УҚЙ, унинг четидаги ёки тормозланиш йўлаклари, тўсиқлардан ҳолис ҳудудлар, учиб чиқиш траекторияси ва аҳамиятли тўсиқлар мавжуд ҳудудларнинг чизмаси ва ён томонлама кўриниши чизилади;

г) ҳар бир УҚЙ, унинг четидаги ёки тормозланиш йўлаклари, тўсиқлардан ҳолис ҳудудлар, учиб чиқиш траекторияси ва аҳамиятли тўсиқлар мавжуд ҳудудларнинг ён томонлама кўриниши тегишинча ҳар бир элементнинг чизмаси устида акс эттирилади;

д) ён томонлама кўринишнинг тўри ён томонлама кўринишнинг бутун майдони бўйлаб туширилади, УҚЙ бундан мустаснодир. Вертикал баландликни ҳисоблаш учун бошланғич кўрсаткич, агар нолда кўрсатилган бўлса, УҚЙнинг ёки эркин ҳудуднинг денгиз сатҳидан ҳисобланади. Горизонтал кенгликни ҳисоблаш учун бошланғич кўрсаткич, агар тегишли учиб чиқиш ҳудудининг қарши томонида кўрсатилган бўлса, УҚЙнинг ёки эркин ҳудуднинг охиридан ҳисобланади. Горизонтал кенгликни ҳисоблаш учун бошланғич кўрсаткич, агар тегишли учиб чиқиш ҳудудининг қарши томонида кўрсатилган бўлса, УҚЙнинг ёки эркин ҳудуднинг охиридан ҳисобланади. Тўрнинг вертикал даражалаш қатор оралиқлари жойнинг 30 метрда (100 фут) амалга оширилади, горизонтал эса 300 метрда (1000 фут).

48. А туридаги аэродром тўсиқлари харитасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) аэродром жойлашган давлат номи, шаҳарнинг номи, аҳоли пункти, аэродром номланиши ва УҚЙидаги белгилар;

б) 1 градусгача аниқликда бўлган магнит оғишлари ва аниқланган йили ҳақидаги маълумотлар (маълум бўлганда).

49. Учиш траекториясидаги тўсиқлар майдониси текис юзада амалга ошириш майдони, 1,2% эгилиш мавжуд ва учиш майдонининг бошланиш қисмида мавжуд, муҳим тўсиқ сифатида кўрилади қуйидаги ҳолатлар мустасно бундай тўсиқлар бошқа муҳим тўсиқлар билан тўлдирилса эслатилган пункт 62 ва А туридаги аэродром тўсиқлари харитасида кўрсатилмаган бўлиши мумкин.

50. Соявий тўсиқлар, горизонтал чизиқлардан бошланадиган текис юзадаги тўсиқлар, учиш траекторияси майдонидан перпендикуляр ўқ чизиғи орқали тўсиқнинг юқоридан кесишгани тушинилади. Бу юза ўз ичига учиш траектория майдонининг барча кенлигини ўз ичига олиб, 61 пунктда эслатилган ёки кейинги юқорироқ тўсиқларгача, агар у яқинроқ жойлашган бўлса. Учиш траектория майдонининг биринчи 300 м кенлигида соявий юзалар горизонтал жойлашади, шунинг учун юқори 1,2% га қияланган бўлади.

51. Агар тўсиқлар кенглик ҳосил қилса ва натижада бошқа объектлар тўсиқларга айланса бартараф этилади ва А туридаги аэродром тўсиқлари харитасига киритилади.

52. Учиш траектория майдони ер юзасида тўрт томонлама бўшлиқ ҳосил қилади бевосита учиш траекторияси остида ётади ва унга симметрик жойлашади. Бу майдон қуйидаги белгиларга эга бўлади:

а) учиш учун ярқли деб топилган тақдирда майдоннинг охиридан бошланади (вазиятга қараб эркин зона ёки УҚЙ нинг охиридан);

б) унинг кенлиги чиқиш нуқтасидан 180 м ташкил қилади (УҚЙ ўқидан ҳар томонга 90 метрдан) ва кейинчалик ҳар томони 0,25 Dга кенгайтирилади, 1800м га максимал даражага етказилинади кейин, D чиқиш нуқтасидаги масофани билдиради;

в) жиддий тўсиқлар йўқ бўлган нуқтагача давом эттирилади ёки 10.0 км масофага тенг бўлган жойгача олинади ва ушбу масофаларнинг қайси бири кичиклиги инобатга олинади.

53. Ҳар бир йўналишнинг ҳар бир УҚЙ учун А туридаги аэродром тўсиқлари харитасига тегишли қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) кучли югуриш учун белгиланган масофа;

б) тўхтатиб турилган учиш учун белгиланган масофа;

в) учиш учун белгиланган масофа;

г) қўниш учун белгиланган масофа.

54. Агар эълон қилинган масофа А туридаги аэродром тўсиқлари харитасида кўрсатилмаса у ҳолда, УҚЙ фақат бир томон йўналишида ишлатилинади ва бундай УҚЙни “учиш, қўниш ёки шу ва бошқа сабабларда қўлланилмайди” деб белгилаб қўйилади.

55. А туридаги аэродром тўсиқлари харитасининг режаси сифатида қуйидагилар кўрсатилинади:

а) УҚЙнинг тўғри чизик контури ҳамда унинг узунлиги ва кенлигини ҳисобга олган ҳолда магнит пеленги аниқ 1 градусгача ва УҚЙ номери;

б) кенлигини ва англантишини ҳисобга олиб, тўсиқлардан ҳоли бўлган ҳолда пунктир чизиғи йўлкаси;

в) пунктир чизиғи – учиш майдони ва ингичка узук-узук чизик ҳисобланади, ўк чизик- навбатма-навбат қисқа ва узун чизикдан иборат бўлади;

г) мавжуд тўсиқлар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳар бир тўсиқни аниқ жойлашишини шартли белги билан белгиланади ва бу тўсиқ турини кўрсатади;

ҳар бир тўсиқнинг мутлоқ баландлиги ва англантилиниши;

Бу учиш ҳудуди чегарасидаги қатъий баландлик нукталарини белгилаш заруриятини истисно қилмайди.

д) УҚЙ юзасини қоплаш ва тугал йўлакларнинг тўхтатилиши;

е) тугал йўлакларнинг тўхталиши тўғри чизик бўлиб, ҳар бир тугал йўлакларнинг тўхтатилиш ўлчами аниқланади.

56. А туридаги аэродром тўсиқлари харитасида қуйидагилар кўрсатилинади:

а) тўғри чизиклар – УҚЙ ўқ чизигининг профили ва пунктир чизиклар – турли хил тугал йўлак тўхтатилиши ва тўсиқлардан эркин майдон ўқ чизиклари ҳисобланади;

б) УҚЙнинг ҳар бир охири 10 метр аниқлик қисмида ўқ чизигининг оширилиши

г) мавжуд тўсиқлар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳар бир тўсиқ – тўғри вертикал чизикқа тегишли чизик тўридан бошлаб ва кейинги чизик тўридан ўтадиган юқори тўсиқ нуктасигача тушунилади;

ҳар бир тўсиқнинг белгиланиши;

катта ўлчамли тўсиқлар чегарасини.

Харита ўз ичига тўсиқлар профилини олиши мумкин. ҳар бир мавжуд тўсиқни баландлигини боғловчи ва соя тушиш майдонини ҳамда шу орқали мавжуд тўсиқларни яратишни аниқловчи тўсиқлар профили чизикдан иборат бўлади.

57. А туридаги аэродром тўсиқлари харитасида горизонтал ўлчамли тугал йўлакнинг тўхтатилиши ва тўсиқлар майдонидан эркин тугал йўлакнинг тўхтатилиши аниқ метргача кўрсатилади.

УҚЙ нинг кўтарилиши тўсиқлар бўсағасидан 10 метр қисм аниқлигида кўрсатилади.

VII. Қўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси

58. Қўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси жой профили тўғрисидаги тўлиқ маълумот қўнишни амалга оширишнинг сўнгги босқичида белгиланган ҳудуднинг чегарасида, учишни амалга оширувчи корхоналарга мазкур жой радиобаландметрларни қўллаганда баланликни аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда таъсир қилинишига баҳолаш имконияти берилади.

Қўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитасининг намунаси мазкур Қоидаларнинг 7 ва 7-1-иловаларида келтирилади.

59. Қўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси барча УҚЙ учун тақдим қилинади. III ва II минимум тоифага киривчи асбоб-ускуналар билан таъминланган. Агар бирон бир ўзгаришлар юзага келган тақдирда мазкур харита қайта кўриб чиқилади.

60. Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси учун 1:2500 горизонтал масштаб ва 1:500 вертикал масштаб қўлланилади.

61. Агар Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитасида УҚЙ бўсағасидан 900 м профил жойи аниқланган бўлса, у ҳолда 1:5000 горизонтал масштабни қўллаш зарур.

62. Аэродром жойлашган давлат номи, шаҳар номи, мазкур аэродром хизмат қиладиган аҳоли пункти ёки тумани, УҚЙ аниқланиши ва аэродромнинг номланиши Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитасида кўрсатилинади.

63. Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Ҳар икки томони 60 метрдан бўлган ҳудудда 1 метрлик қатор оралиқлари билан жойнинг горизонтал режаси УҚЙ нинг ўқ бўйлаб йўлланган чизиқлари билан давом этиб, шу жумладан профилда белгиланади, бунда горизонталлар УҚЙнинг бошланиш даражаси билан киритилади;

б) радиобаландметр кўрсаткичларида кўриниши мумкин ± 3 м оралиғида УҚЙнинг ўқ бўйлаган чизиқлари бўйича профилида жойлашган, юқоридаги пунктда назарда тутилган, жойнинг исталган ҳудудининг баландлик жойи қаерда кўрсатилганлиги режада белгиланади;

в) профил жойининг 900 м гача бўсағадан УҚЙнинг ўқ чизиғи бўйлаб чўзилади.

64. Агар жой УҚЙнинг ўқ чизиғи бўсағасидан 900 м узокликда тоғ ёки бошқа хусусиятлар билан характерланган бўлса, у ҳолда Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитасидан фойдаланувчилар учун профил жойи УҚЙ бўсағасидан 2000 м гача кўрсатилиши керак (ошмаслиги).

65. Кўнишни аниқ амалга ошириш учун жой харитаси баландлиги ILS тутиб турадиган нуқтанинг баландлиги ярим метр яқин аниқлида кўрсатилиши керак.

VIII. Аэродром жойлашган ҳудуд харитаси

66. Аэродром жойлашган ҳудуд харитасида асбоб-ускуналар билан шуғулланувчи учиш экипажига ёрдам берувчилар учун маълумот қуйидаги босқичларда белгиланади:

а) аэродромга учиш босқич йўналиши бўйича то кўниш босқичига қадар ўтиш;

б) иккинчи круг учиш йўналиши бўйича кетиш/учишга ўтиш босқичи.

Аэродром жойлашган ҳудуд харитасининг намунаси мазкур Қоидаларнинг 8 ва 8-1 иловаларида келтирилади.

67. Агар кўнувчи ва учувчи ҳаво кемаси турли ОВД йўналиши ва ҳаво кемасининг жойлашиш ҳақидаги маълумот битта аэродром жойлашган ҳудуд харитасида аниқ белгилана олинмаса, у ҳолда алоҳида харита кўзда тутилади.

68. Кўниш ва учиш йўналишлари бошидан охиригача нуқта билан белгилаб, ҳар бир аэродром жойлашган ҳудуд харитасида маълумот берилади.

69. Аэродром жойлашган ҳудуд харитаси қоида бўйича масштабни ташкил қилади. Агар Харита масштаб кўринишида бўлса, у ҳолда масштаб чизиқлари кўрсатилинади. Агар харита масштаб кўринишида бўлмаса, у ҳолда «Масштабдан ҳоли» деб илова қилинади.

70. Аэродром жойлашган ҳудуд харитасида қуйидагилар кўрсатилинади:

а) тўғри чизик ортодромияга тахминан мос келадиган тўғри бурчакли проекция қўлланилади;

б) керакли интервал билан параллел ва меридиан асосида белгилаш;

в) рамка ичидан чизик бўйлаб доимий интерваллар билан даражали штрихлар асосида кўрсатиш;

71. Аэродром жойлашган ҳудуд харитасининг ҳар бир варағида тасвирланган ҳаво бўшлиғи номи кўрсатилинади. Харитада ҳаво ҳаракатларига хизмат қилувчи марказ номи, йирик шаҳар номи ёки картографияланган туманда жойлашган аҳоли пункти ёхуд шаҳар номи кўрсатилиши мумкин. Агар шаҳар ёки аҳоли пункти бир нечта аэродромлар учун хизмат қилса, у ҳолда белгиланган учиш схемаси аэродром номи кўрсатилиши керак.

72. Аэродром жойлашган ҳудуднинг харитасига ҳамма очик сув ҳавзалари, йирик қўллар ва дарёлар қирғоқ чизиқлари умумий кўриниши киритилади, агарки улар белгиланган харитадаги ўзига хос бўлган маълумотларни тушунишга қийинчилик туғдирмаса.

73. Фойдаланиш нуқтаи-назаридан аҳамиятли бўлган ҳудудлардаги ҳолатлар тўғрисида маълумотлиликни ошириш учун, тўғрилланган горизонталларнинг тасвири билан приборлар бўйича стандарт кўниш харитаси масштаб горизонталлар тўғрилланган тасвирларда кўрсатилади.

Аэродромдан 300 мдан ошган баландликлар рельефининг барча элементлари ва тегишли баландликлар белгилари қора рангда кўрсатилади. Бундан ташқари аҳамиятли тўсиқлар кўрсатилади.

74. Аэродром жойлашган ҳудуд харитасида қуйидагилар кўрсатилинади:

а) аниқ яқин даражагача магнит оғиш;

б) магнит пеленги, кесишган бурчаклар ва радиуслар;

в) мазкур аэродром ҳудудидаги йўналишлар тизимига таъсир қилувчи барча аэродромлар;

75. Вертикал чегаралар ва уларни кўлланилишига қараб хавфли ҳудудлар ҳамда учиш учун таъқиқланган ҳудуд аэродром жойлашган ҳудуднинг харитасида таъқиқланган ҳудуд сифатида белгиланади.

76. Ҳаво ҳаракати хизмати тизимида белгиланган мазкур компонентлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) радионавигацияга оид омилларнинг частоталари ва уларнинг номи, ҳаво ҳаракати тизими билан боғлиқ бўлган объектларнинг географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

б) учиш ва қўниш ҳамда учиш учун кутиш жойига керак бўлган аэродром радио омиллар;

в) ҳаво бўлиғидаги класснинг ҳамда ҳаво бўшлиғида барча белгиланган ён чегаралар бўлиши;

г) ҳар қандай чекланишини ҳисобга олиб, агар улар ўрнатилган бўлса навигацион таснифларни белгилаш;

д) яқинроқ даража ҳисобига аниқлиги билан аэродром районида ҳаво трасса ва йўналишлари кўрсатилган ҳар қандай участка йўл бурчаги бўйланмасига ва йўналишларнинг индекси билан аэродром зонасининг кутиш ва йўналиш зона лойиҳаси;

е) аэродром жойлашган ҳудудни аниқловчи барча асосий нукталарнинг кодланган номлари ҳамда радионавигациявий нукталарнинг географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

ж) барча мажбурий ва мажбур бўлмаган бандларининг қоидаларини киритиш;

з) такрорловчи ва назорат қилувчи бандларни асосий нукталар ва километр аниқлигига узоқликни ўз ичига олади. Харитада радионавигациявий омиллар ўртасидаги умумий узоқлик кўрсатилиши мумкин;

и) тезлик бўйича ва эшолон бўйлаб учиш ҳудудининг чекланганлиги (мутлок/нисбий баландлик), агар улар ўрганилган бўлса;

к) уларнинг частоталари ва диспетчер бандлари билан кўрсатилган радио алоқа воситалари;

л) минимал хавфли баландликларни жадвал шаклида кўрсатилиши мумкин (АМТ кўрсатилинмайди).

IX. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси (STAR)

77. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси учинчи экипажни қўниш учун кириш боқичигача, приборлар бўйича парвоз босқичига келиш белгиланган стандартнинг қоидаларини бажаришга имкон туғрирадиган даражада маълумот билан таъминлайди.

Приборлар бўйича стандарт қўниш хариталарининг намуналари мазкур Қоидаларнинг 9, 9-1-сонли иловаларида келтирилган.

78. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси приборлар бўйича стандарт қўниш белгиланганда ҳамма ҳолларда берилади.

79. Приборлар бўйича стандарт қўниш хариталарида хариталаштириладиган ҳудуд белгиланган нуқталарни кўрсатишга етарли бўлиши керак, уларда маршрут бўйича парвознинг якунланиши ва қўнишга кириш босқичини бошланиши кўрсатилади.

80. Қоида тариқасида приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси масштаб бўйича тузилади. Агар харита масштаб бўйича тузилса, чизиқли масштаб кўрсатилади. Агар харита масштаб бўйича тузилмаган бўлса, “масштаб бўйича эмас” деган изоҳ келтирилади.

81. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси тенг бурчакли проекция бўйича тузилади, унда тўғри чизиқ ортодромияга яқинроқ бўлади.

82. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси масштаб бўйича тузилган бўлса, картага паралеллар ва меридианлар қатор оралиғида қилган ҳолда киритилади. Даражавий чизиқлар ички рамканинг тегишли жойларидаги чизиқларга, домий қатор оралиқлари билан киритилади

83. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитасининг ҳар бир саҳифасида приборлар бўйича қўнишнинг стандарт маршрутлари индекслари, УҚЙнинг белгиланиши, аэродорнинг номи, мазкур аэродорга хизмат курсатувчи шаҳар, аҳоли пункти ва туманнинг номи кўрсатилади.

84. Агар приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси масштаб бўйича тузилган бўлса, ҳамма очик сув ҳавзалари, йирик кўллар ва дарёлар қирғоқ чизиқлари умумий кўриниши киритилади, агарки улар белгиланган харитадаги ўзига хос бўлган маълумотларни тушунишга қийинчилик туғдирмаса.

85. Фойдаланиш нуқтаи-назаридан аҳамиятли бўлган ҳудудлардаги ҳолатлар тўғрисида маълумотлиликни ошириш учун, тўғриланган горизонталларнинг тасвири билан приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси масштаб

Аэродромдан 300 мдан ошган баландликлар рельефининг барча элементлари ва тегишли баландликлар белгилари қора рангда кўрсатилади. Бундан ташқари аҳамиятли тўсиқлар кўрсатилади.

86. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитасида қуйидагилар кўрсатилинади:

- а) яқин даражагача бўлган аниқ магнитли оғишлар;
- б) магнитли бўлган йўл бурчаклари ва радиаллар, пеленглар;
- в) УҚЙнинг жойлашган схемаси тасвирланган қўниш аэродроми;

г) ёки барча аэродромлар кўрсатилиши, приборлар бўйича қўнишнинг стандарт йўналишида белгиланади. Агар керак бўлса, аэродромда УҚЙ жойлашиши кўрсатилинади.

87. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитасида таъқиқланган жойлар, учишни чекловчи жойлар ёки учиш схемасига таъсир қилувчи хавфли жойлар вертикал чегаралар билан кўрсатилади.

88. Минимал (мутлоқ/нисбатан) хатарсиз баландлик секторида аниқ кўсатилган сектор приборлар бўйича стандарт қўниш харитасида кўрсатилинади.

89. Приборлар бўйича стандарт қўниш харитасида ОВД тизимида белгиланган компонентлар кўрсатилинади:

а) ҳар бир стандарт маршрутнинг график тасвири приборлар бўйича стандарт қўниш харитасида кўрсатилинади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) маршрут индекси;
- 2) маршрутни белгиловчи асосий нуқталар;
- 3) яқин даражадаги аниқликда маршрутнинг ҳар бир жойи йўналиш бурчаги ёки радиал бўйлаб;

4) яқин километр аниқлигидаги асосий нуқталар ўртасидаги масофа;

б) маршрут билан боғлиқ радионавигацион омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) очиқ матнда номланилиши;
- 2) англантилиниши;
- 3) частота;

4) географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30 - банди талабларига асосан кўрсатилади;

в) радионавигацион воситанинг географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

г) кутиш жойида учиш схемасининг қўлланилиши;

д) ўтиш жойининг баландлиги;

е) ўтиш эшелони;

ж) тезлик бўйича чекловлар, агар улар ўрнатилган бўлса;

з) ҳар қандай чекланишини ҳисобга олиб, агар улар ўрнатилган бўлса навигацион таснифлар,;

и) барча мажбурий ва мажбур бўлмаган маълумотларнинг бандлар;

к) радио алоқа қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) ОВДнинг хабар берувчи идоралари;

2) частота;

3) агар керак бўлса қабул қилувчининг маълумот қиритилиниши;

X. Приборлар бўйича стандарт учиш харитаси (SID)

90. Приборлар бўйича учишнинг стандарт маршрутида белгиланган тартибда маршрут бўйича кўтарилиш босқичидан то учиш босқичигача бўлган вазифаларнинг бажарилиш имконини Приборлар бўйича стандарт учиш харитаси учиш экипажини маълумот билан таъминлайди..

Приборлар бўйича стандарт учиш харитасининг намуналари мазкур Қоидаларнинг 10, 10-1, 10-2, 10-3- иловаларида келтирилган.

91. Агар приборлар бўйича учишнинг стандарт маршрути белгиланган бўлса, у ҳолда приборлар бўйича стандарт учиш харитаси барча ҳолатларда тақдим этилади.

92. Кўтарилиш маршрутидан бошлаб, маршрут бўйича учиш босқичидан келишилган асосий нуқта приборлар бўйича стандарт учиш харитасида харитага олинган жойлар нуқтани кўрсатиш учун аниқ бўлиши керак.

Учиш маршрути одатда УҚЙнинг охиридан бошланади.

93. Қоидага биноан, приборлар бўйича стандарт учиш харитаси масштабга мувофиқ амалга оширилади. Агар харита масштаб бўйича амалга оширилган бўлса, у ҳолда чизикли масштаб кўрсатилинади. Агар масштаб бўйича амалга оширилмаган бўлса, у ҳолда “масштабдан ташқари” деб изоҳ келтирилади ва йўл чизикларида масштаб мавжуд эмаслигининг шартли белгиси ҳамда масштабда катта хажмлар хаританинг бошқа қисмларида кўрсатилинади.

94. Приборлар бўйича стандарт учиш харитаси тўғри бурчакли проекцияда тузилади, унда яқинидаги ортодромия тўғри чизик билан кўрсатилади.

95. Приборлар бўйича стандарт учиш харитаси масштабга биноан тузилган бўлса, паралеллар ва меридианлар харитага мақбул интервалда белгиланади. Ички рамка чизиклари бўйлаб даражали штрихлар доимий интервал билан муносиб жойларга жойлаштирилади.

96. Приборлар бўйича стандарт учиш харитасининг ҳар бир варағида шаҳар номи, мазкур аэродром хизмат қиладиган жой ёки аҳоли пункти, аэродром номи, зарурат бўлса УҚЙ ва приборлар бўйича стандарт учиш маршрут индекслари аниқланади.

97. Агар приборлар бўйича стандарт учиш харитаси масштаб кўринишида бўлса, барча очиқ сув жойлари, йирик кўллар ва дарёлар, агар улар шунга ўхшаш маълумотларни тушунишни қийинлаштирмаса, умумий контур қирғоқ чизиғи билан белгиланади.

98. Фойдаланиш нуқтаи-назаридан аҳамиятли бўлган ҳудудлардаги ҳолатлар тўғрисида маълумотлиликни ошириш учун, тўғриланган горизонталларнинг тасвири билан приборлар бўйича стандарт учиш харитаси масштаб

Аэродромдан 300 мдан ошган баландликлар рельефининг барча элементлари ва тегишли баландликлар белгилари қора рангда кўрсатилади. Бундан ташқари аҳамиятли тўсиклар кўрсатилади.

99. Приборлар бўйича стандарт учиш харитасида қуйидагилар кўрсатилинади:

- а) яқин даражагача бўлган аниқ магнитли оғишлар;
- б) магнитли бўлган йўл бурчаклари ва радиаллар, пеленглари;
- в) УҚЙ тасвирини англаувчи учиш аэродроми.

Приборлар бўйича учишнинг кўрсатилган стандарт маршрутига таъсир этувчи барча аэродромлар кўрсатилинади ёки аниқланади. Зарурат туғилса, аэродромда УҚЙнинг жойлашиши ҳам кўрсатилинади.

100. Приборлар бўйича стандарт учиш харитасида таъқиқланган жойлар, учишни чекловчи жойлар ёки учиш схемасига таъсир қилувчи хавфли жойлар вертикал чегаралар билан кўрсатилади.

101. Минимал (мутлок/нисбатан) хатарсиз баландлик секторида (МХБ) АНН (ёки навигацион воситалар) га нисбатан аниқ кўрсатилган сектор приборлар бўйича стандарт учиш харитасида кўрсатилинади.

102. Приборлар бўйича стандарт учиш харитасида ОВД тизимида белгиланган компонентлар кўрсатилинади:

а) ҳар бир стандарт маршрутнинг график тасвири приборлар бўйича стандарт учиш харитасида кўрсатилинади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) маршрут индекси;
 - 2) маршрутни белгиловчи асосий нуқталар;
 - 3) яқин даражадаги аниқликда маршрутнинг ҳар бир жойи йўналиш бурчаги ёки радиал бўйлаб;
 - 4) яқин километр аниқлигидаги асосий нуқталар ўртасидаги масофа;
- б) маршрут билан боғлиқ радионавигацион омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) очик матнда номланилиши;
- 2) англантилиниши;
- 3) частота;
- 4) географик координатлар мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;
- в) радионавигацион воситанинг географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;
- г) кутиш жойида учиш схемасининг қўлланилиши;
- д) ўтиш жойининг баландлиги;
- е) ўтиш эшелони;
- ж) тўсиқларни ҳисобга олиш юзасига кирадиган, яқин жойлашган тўсиқнинг нисбий баландлиги ва жойлашган жойи;
- з) агар ўрнатилинган бўлса, тезлик бўйича чеклаш жойи;
- и) ҳар қандай таъқидлар, навигацион спецификациялар, агар улар ўрнатилинган бўлса;
- к) барча мажбурий ва мажбур бўлмаган маълумотларнинг бандлар;
- л) радио алоқа қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - 1) ОВДнинг хабар берувчи идоралари;
 - 2) частота;
- м) радио алоқасининг носозлиги ёки двигателнинг ишламаслиги ҳолатида экипаж аъзоларининг ҳаракатланиши;

103. Приборлар бўйича стандарт учиш харитаси приборлар бўйича учишнинг стандарт маршрутини (SID) матн шаклида таъминлаши мумкин.

XI. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитаси

104. УҚЙ бўйича тасдиқланган приборлар бўйича қўнишга киришиш схемасига биноан парвозни амалга ошириб, иккинчи айланишга кетишни ҳамда белгиланган ҳолларда кутиш жойидаги парвоз схемасини ва учиш экипажни приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитаси маълумот билан таъминлайди

Приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитасининг намуналари мазкур Қоидаларнинг 11, 11-1, 11-2, 11-3, 11-4, 11-5- иловаларида келитирилган.

105. Фуқаро авиациясини қўллайдиган ҳамда приборлар бўйича қўнишга киришиш ўрнатилинган барча аэродромлар учун Приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитаси тақдим этилади.

106. Ҳар бир аниқ қўнишга киришиш схемаси учун приборлар бўйича қўнишга киришиш алоҳида харитаси назарда тутилади.

Аниқ ёки ноаниқ қўнишга киришишнинг битта харита схемасида бирдан ортик схемалар бўлиши мумкин, бунда қўнишга оралиқда киришиш учун парвоз йўналиши кўрсатилади, бунда қўнишга охириги киришиш ва иккинчи айланма парвозга жўнаш бир хилда бўлади.

107. Қоидага мувофиқ, турли категориядаги ҳаво кемалари учун қўнишга киришишнинг алоҳида хариталари тузилади.

108. Хавфсиз парвозни таъминлаш мақсадида маълумот эскирган тақдирда, приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитаси ҳар бир ҳолатда янгиланиб турилади.

109. Приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитасида хариталаштирилладиган ҳудуд ўз ичига қўнишга киришишнинг барча ҳудудлари ва приборлар бўйича иккинчи айланмага кетишни олади.

110. Приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитасининг танланган масштаби хаританинг оптимал ўқилиш даражасини таъминлайди.

111. Тахминан ортодромга мос келадиган тўғри чизик тўғрибурчак проекцияси приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитасининг тузиш вақтида қўлланилади.

112. Даражаланган чизиклар приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш харитасида доимий қатор оралиқлари рамканинг ички чизиклари бўйлаб киритилади.

113. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида мазкур аэродром томонидан хизмат кўрсатилувчи шаҳар, аҳоли пункти ёки туманнинг номи, эродром номи, қўнишга киришиш типии, ўтиш баландлиги, ўтиш эшелони ва радионавигациявий воситанинг қисқартирилган номи, уни ҳисобга олган ҳолда приборлар бўйича қўнишга киришиш схемаси ўрнатилади.

114. Приборлар бўйича қўнишга киришиш схемаси маълум бир турдаги ҳаво кемалари тоифалари билан чекланган ҳолларда, улар кўрсатилади.

115. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида агар кўрсатилган бўлса визуал маневрлаш (айлана бўйича парвоз) схемаси ва тегишли кутиш схемаси бўйича парвоз, иккинчи айланишни ўз ичига олган ҳолда приборлар бўйича стандарт қўнишга киришиш схемасини хавфсиз бажариш учун зарур бўлган сунъий қурилмалар ва топографиялар тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Топографик маълумотларга фақат зарурат бўлганда ва тушунишни осонлаштириш учун тушунтирувчи ёзувлар киритилади, энг камида ер усти участкаларининг чегаралари ва йирик кўл ва дарёларнинг контурлари кўрсатилади.

116. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида кўрсатилади:

- а) яқин даражадаги аниқликда магнитли оғиш;
- б) магнитли пеленглар, йўлли бучаклар ва радиаллар.

117. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида ВПП схемаси (етарли катта масштабда кўрсатиш учун) қуйидагилар учун келтирилади:

а) Приборлар бўйича қўнишга киришишнинг мазкур тартиби қўлланиладиган аэродром;

б) ҳаво ҳаракатига таъсир қилувчи ёки шундай жойлаштирилиши керакки, ноқулай об-ҳаво шароитларида қўниш аэродроми сифатида қабул қилинадиган аэродромлар бўлсин.

118. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида эродромнинг ошиши ва ВПП нинг бошланишлари метрнинг ўндан бир аниқлигида кўринадиган жойда кўрсатилади.

119. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитаси режасида аҳамиятга молик тўсиқлар кўрсатилади.

120. Агар бир ёки бир нечта тўсиқлар мутлак/нисбий баландликдаги учуш тўсиғини аниқлаштирувчи танлаш омили бўлса, ушбу тўсиқлар приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида кўрсатилиши шарт.

121. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида тўсиқларнинг баландлиги бир метр аниқлигида кўрсатилади (йириклаштириш ошиш ҳисобига амалга оширилади).

122. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида тўсиқларнинг баландлиги ВППнинг қўнишга бўлган даражасига нисбатан белгиланади. Тўсиқларнинг баландлигини белгилашда уларнинг ҳажми қавс ичида кўрсатилади.

123. Павозлар схемасини бажаришга таъсир қиладиган таъқиқланган ҳудудлар, парвоз чекланган ҳудудлар ва хавфли ҳудудлар, приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида ўзининг хусусиятига қараб, вертикаль чегаралари билан кўрсатилади.

124. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида қўнишга киришишнинг сўнги босқичини назорат нуқтаси (ёки ILS бўйича қўнишга киришиш схемаси учун қўнишга киришишнинг сўнги босқичини нуқтаси) ҳамда бошқа керакли назорат нуқталари ёки схемага кирувчи нуқта кўрсатилади ва киритилади.

125. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида қўнишга киришишнинг сўнги босқичини назорат нуқтаси (ёки ILS бўйича қўнишга киришиш схемаси учун қўнишга киришишнинг сўнги босқичини нуқтаси) ҳамда бошқа керакли назорат нуқталари ёки схемага кирувчи нуқта кўрсатилади ва киритилади.

126. Қўнишга киришишнинг сўнги босқичини назорат нуктаси (ёки ILS бўйича қўнишга киришиш схемаси учун қўнишга киришишнинг сўнги босқичини нуктаси) да унинг географик координатлари мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан берилади.

127. Вадионавигациявий воситалар иккинчи айланишда ёки агар мавжуд бўлса захирадаги аэродромга қўлланилишида керак бўлса, приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида кўрсатилади ва киритилади.

128. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харита кўринишида қуйидаги усулларни ўз ичига олади:

а) қўнишга киришиш йўллари стрелкалар билан белгиланган тўғри чизик орқали учиш йўналишини кўрсатиш;

б) иккинчи айланишга кетиш вақтидаги йўл чизиклари стрелкали пунктир чизик ёрдамида белгилаш;

в) ҳар қандай қўшимча йўл схемасини стрелкалар ва нуқтали пунктир ёрдамида белгилаш;

г) пеленглар, йўл бурчаклари, яқин аниқ даражадаги радиаллар ва аниқ пеленги, мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

д) манёвр қилиш чекланган ва таъқиқланган ҳар қандай сектор чегараси;

е) зарурат туғилса, қўнишга киришиш ва иккинчи айланага кетиш билан боғлиқ кутиш жойидаги учиш схемасини ва кутиш жойидаги учишнинг мутлоқ минимал баландлигини;

ж) зарурат туғилса, хаританинг кўринарли юза қисмида белгиланган огоҳлантирув кўрсатилинади.

129. Қўнишга киришишнинг сўнги босқичида қўлланиладиган ҳар бир радионавигацион воситадан аэродромгача бўлган масофа приборлар бўйича қўнишга киришиш харитада маълумотлар билан тўлдирилади.

130. Қўнишга киришишнинг сўнги босқичида қўлланиладиган ҳар бир радионавигацион воситадан аэродромгача бўлган масофа приборлар бўйича қўнишга киришиш харитада маълумотлар билан тўлдирилади.

131. Қоида тариқади, приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасининг профил кўриниши режадан кам бўлмаган тасвирда, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда кўрсатилади:

а) аэродром- аэродром даражасидан ошган аэродром текис тўғри учбурчак шаклида;

б) қўнишга киришиш схемасининг жой профили- учиш йўналишини кўрсатувчи стрелкалар билан тўғри чизиклар ёрдамида белгилаш;

в) иккинчи айланага кетиш схемасининг жой профили- схемани тасвирлаш ва стрелкалар ёрдамида пунктир чизиклар орқали белгилаш;

г) пеленглар, йўл чизиклари, радиаллар мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади;

д) мазкур схемалар учун керакли баландликлар;

е) зарурат туғилганда, яқин аниқликдаги километргача стандарт қайрилишни амалга ошириш вақтидаги масофа кўрсатилиши;

ж) чизиклар, белгиланган ҳолларда акс этадиган аэродромдан кўтарилиш ёки УҚЙнинг бўсағасидан кўтарилиш хаританинг бутун кенглиги бўйича кесиб ўтадиган масштаб узунлигининг бошланғич нуқтасидан УҚЙ бўсағасича жойлашиш.

132. Приборлар бўйича учуш схемаси учун зарур деб белгиланган нисбат баландликлар қавс ичида кўрсатилинади. Мазкур баландликлар УҚЙ бўсағасидан бошлаб ҳисобга олинади.

133. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида аэродромнинг давлат эксплуатацион минимумлари кўрсатилинади.

134. Мутлақ (нисбий) парвоз баландги тўсиқлари приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида кўрсатилинади.

135. Иккинчи айланишга кетиш нуқтаси бошланиши белгиланиши ҳолатида қўнишга охириги киришиш босқининг назорат нуқтасигача бўлган масофа ёки восита ёки назорат нуқтаси ва тегишли қўнишга охириги киришиш босқининг назорат нуқтасигача бўлган масофа - приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади.

136. Приборлар бўйича қўнишга киришиш харитасида қўнишга киришишнинг охириги жойида УМЎЖ қўлланилади. Ҳар бир 2 кмга нисбий баландликлар жадвали келтирилади. ОСА/Н дан кам бўлган мутлок/нисбий баландликларга мувофиқ бўлган масофаларни жадвалга киритилмайди.

137. Қўнишга киришишнинг сўнгги босқич назорат нуқтасида яқин фоиз аниқлиги градиент пасайиш ва яқин даражанинг 10дан бир қисми аниқлигидаги бурчак пастлиги аниқ бўлмаган қўнишга киришиш схемасида кўрсатилинади.

138. Яқин ярим метр аниқлигидаги баландлик таянч нуқтаси ҳамда глиссаларнинг вертикал юзаси яқин даражанинг 10 дан бир қисми аниқлигидаги оғиш бурчаги приборлар бўйича аниқ қўнишга киришиш схемасида кўрсатилинади.

139. Яқин ярим метр аниқлигидаги баландлик таянч нуқтаси ҳамда глиссаларнинг

оғиш бурчаги ILSни ишлатган ҳолда приборлар бўйича қўнишга киришиш хариталарида кўрсатилинади. Ушбу ҳолатларда глиссадларнинг оғиш бурчаги ILS 3,5° дан ошганда, белгиланган глиссадларнинг оғиш бурчагига қаралади ва илова қилинади.

ХII. Қўнишга визуал киришиш харитаси

140. Қўнишга визуал киришиш харитасида учувчи экипажига ёрдамлашадиган парвоз босқичидан топширилган қўниш УҚЙ визуал мўлжал бўйича маршрутдан (пасайиш) қўнишга ўтиш киришиш босқичигача бўлган маълумотлар бўлади.

Қўнишга визуал киришиш харитасининг намуналари мазкур Қоидаларнинг 12, 12-1- иловаларида келтирилган.

141. Қўнишга визуал киришиш харитасида мазкур турдаги қўнишга киришиш тури рухсат берилган, фуқаро авиациясида қўлланиладиган барча аэродромлар кўрсатилади.

142. Қўнишга визуал киришиш харитасига тавсия қилинадиган масштаб 1:250 000 ёки 1:200000. 1:500 000 да кичик бўлган масштабни ишлатиш мумкин эмас.

143. Мазкур аэродром учун приборлар бўйича стандарт қўниш харитаси мавжуд бўлса, қўнишга визуал киришиш харитаси ҳам ўша масштабда тузилади.

144. Қўнишга визуал киришиш харитасини ишлаб чиқишда тўғри бурчакли проекция қўлланилади, унда тўғри чизик тахминан ортодромияга мос бўлади. Даражаланган чизиклар ички рамканинг чизиклари бўйлаб домий интерваллар билан киритилади.

145. Қўнишга визуал киришиш харитасида:

- а) яқин даражадаги аниқдаги магнитли оғиш;
- б) аэродром хизмат кўрсатидиган аҳоли пункт ива шаҳарнинг номи ва ушбу аэродромнинг номи;
- в) жойнинг табиий ва сунъий объектлари (масалан, қияликлар, чўққилар, кум барханлари, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, йўллар, темир йўллар, алоҳида маёқлар ва бошқалар)
- г) кўллар, дарёлар ва ирмоқларнинг қирғоқ чизиғи;
- д) аэродром тўсиқларнинг нисбий баландлиги;
- е) аҳамиятли тўсиқлар;
- ж) визуал маневр қилиш схемаси агар қўлланилса;
- з) агар қўлланса қўнишга киришишининг визуал схемалари;
- и) қайси секторга тегишлилиги аниқ кўрсатилган сектордаги (МБВ) минимал

хавфсиз (мутлак/нисбий) баландлик кўрсатилади.

146. Қўнишга визуал киришиш харитасида географик пунктнинг номи тушунмовчиликни ва кўпмаъноликни бартараф қилиш мақсадида кўрсатилади.

147. Қўнишга визуал киришиш харитасида рельеф шундай кўрсатиладики, бунда хариталашган ҳудуддаги тўсиқлар ва баландликларнинг ўзига хос таснифи яхшироқ тарзда акс эттирилади.

148. Қўнишга визуал киришиш харитасида:

а) тегишли УҚЙ бошланишидаги ошишлар бўйича тайрим тўсиқларнинг нисбий баландлигини аҳамияти кўрсатилиши мумкин;

б) Радиаллар, йўлли бурчаклар ва магнитли пеленглар белгиланади;

в) аэродромдан баландлик кўринадиган жойда белгиланади;

г) зарур бўлганда визуал навигациявий воситалар кўрсатилади.

149. Қўнишга визуал киришиш харитасида тўсиқларнинг нисбий баландлигини аниқ жойда белгилашда баландликнинг ҳисоблаш нуқтаси кўрсатилади, нисбий баландликнинг аҳамияти харитадаги қавснинг ичида кўрсатилади.

150. Қўнишга визуал киришиш харитасида тўсиқларнинг баландлиги мазкур Қоидаларнинг 30-банди талабларига асосан кўрсатилади.

151. Таъқиқланган ҳудудлар, парвозлар чекланган ҳудудлар ва хавфли ҳудудлар қўнишга визуал киришиш харитасида вертикал чегаралар ва ўзларининг хусусиятлари билан кўрсатилади.

152. Зарур бўлганда, қўнишга визуал киришиш харитасида радионавигациявий воситалар, шунингдек уларнинг частоталари ва қўлланилиши доираси кўрсатилади.

153. Зарур бўлганда, қўнишга визуал киришиш харитасида радиоалоқа воситалари, уларнинг частоталари ва чақирувлари кўрсатилади.